

ПАХТА УЧУН УМУМХАЛҚ КУРАШИ- ДАН ҲЕЧКИМ ЧЕТДА ҚОЛМАСИН!

БҲТҮН ДҲНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҲАММА ПАХТА ТЕРИМИГА!

Илк баҳорда далага чиққан деҳқон бугун ўз меҳнатининг самарасини куриб қувонмоқда. У пахтазорга кўз тикади, гурури, ифтихори, шон-шухратининг рамзи бўлган «оқ олтин» дурдоналари мўл ҳосилдан дарак беради. Илг бунинг тўқилган тер бугун дур бўлиб жилло қилади. Бедор ўтказилган тунлар, дала бошида қарши олинган субҳидамлар, елиб югурилган кунлар самараси — беҳисоб лўппи чаноклар гўзаларини беазаган.

Деҳқон юзига табассум. Коммунизм куришдек улуғвор ишга ўзининг «оқ олтин» деб аталмиш бебаҳо тўхфаси билан хисса қўшади. Пахта — ўзбек деҳқонининг бахт-саодати эканлигини яхши билиди. Мамлакатга мўл-кўл пахта етказиб бериш ўзининг олий ватанпарварлик, интернационал бурчи эканлигини, шон-шараф иши эканлигини билан фахрланади.

Пахтаи бу йил барвақт ишди. Бепоян далаларимиз оқ чойшаб ёниди. Миришкор заршуносларимиз ҳосил теримига бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб киришди. Улкан хирмон учун кураш зўр уюшқоқлик билан бошланди. Шу кунларда бугун республикамиз пахта йиғим-терими билан нафас олаётир.

Азамат, марду-хайдон деҳқонларимиз томонидан етиштирилган мўл ҳосилни тезроқ териб олиш — шу кеча-кундуздаги баш вазифамиздир. Шу боисдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети барча қолхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, меҳнаткорларга, қишлоқ хўжалик муҳассисларига, шаҳар ва йилли посёлкаларининг меҳнаткашларига, студентлар ва ўқувчиларга, республиканинг барча меҳнаткашларига қарата Мурожаат қилиб: «Ҳамма — пахта теримига!» деб даъват этди. Маъмур Мурожаат қолхоз ва совхозларда, шаҳар ва қишлоқларда, олий ўқув юрти ва мактабларда, маҳалла ва ҳар бир хонадонда кенг муҳокама қилинмоқда. Ўзбек эли бедни маҳкам боғлаб пахтазорга отланди.

«МЕХНАТГА ЛАЁҚАТЛИ ҲАР БИР КИШИ ШУ КУНЛАРДА ПАХТА ДАЛАСИДА БЎЛИШИ, ҲОСИЛНИ ЙИГИБ-ТЕРИБ ОЛИШДА БЕВОСИТА ИШТИРОК ЭТИШИ КЕРАК. ПАХТА УЧУН УМУМХАЛҚ КУРАШИДАН ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАСИН. ОЛТИН ЭТДА, ОДАМ МЕХНАТДА БИЛИНАДИ, ДЕНИЛАДИ ХАЛҚ МАҚОЛИДА. ҒАЛАБА МЕХНАТ БИЛАН ВА ҲАҚАТ МЕХНАТ БИЛАН ҚЎЛГА КИРИТИЛАДИ», — дейилади Мурожаатда.

Бу йил республикамиз она-Ватанга 3 миллион 650 минг тонна «оқ олтин» аямизини қўшади. Бу ҳар бир кишидан жасорат кўрсатиб ишлашни, жонкулар бўлишни, қалб амри, виждон билан меҳнат қилишни талаб этади. Бунинг учун ҳар биримиз қарда яшашимиз ва ишлашимизда қатъий назар қарата ташкилотчилик кўрсатишимиз, пахтакорга биродарлик ёрдам қўлини қўйишимиз, у билан ёнма-ён туриб тер тўқинишимиз лозим. Ана шундангина марра бизники бўлади.

Бунинг яхши тушунишга пойтахт областимиз пахтакорлари терим суръатини тобора жадаллаштиришмоқдалар. 315 минг тонналик хирмонни бунёдга келтириш учун барча имкониятларини ишга солимоқдалар. Оржоникиде, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ районларининг азаматлари пахта тайёрлашда олдинги сафда оромоқдалар. Оржоникиде райониди «Правда», «Маданият», Ўрта Чирчиқ райониди «Охуобобос номи», Бўка райониди «Тимирязев номи», Свердлов номи, «Ленин» каби хўжаликлар кунига 2—3 процент микдорда пахта тайёрламоқдалар.

Ҳаётлар, қолхоз ва совхозларда пахта терим ва давлатга топириш юзасидан бошланган социалистик мусобақанинг сентябрь ойи ўн кунлигида област партия комитети ва иқроия комитетининг кучга қиял байроғини Оржоникиде районининг азамат пахтакорлари олмига муваффақ бўлдилар. Лекин областимиз республикамизнинг айрым областларига қараганда анча орқада қолмоқда. Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона, Андижон областлари олдинда бормоқда. Бу, албатта, тошкентлик пахтакорлар шайинга муносиб эмас. Ўтган йилги областимиз қарвонбонини бўлган эди. Терим суръатини оширишимиз, барча имкониятларини ишга солиб, пойтахт област деган номга яраша иш қилишимиз, пешқадамликни қўлга киритишимиз керак!

Илгорилик қўлга киритиш, меҳнат унушдорлигини муттасил ошириш учун ниямлар қилиш зарур! Энг аввало шунинг айтиш керакки, ишчимизнинг муваффақияти кўп жиҳатдан меҳнаткашларнинг, машина қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг қаноти, дўсти бўлиб қолди, дейилади Мурожаатда. Бу жуда тўғри гап. Эндилкида бизлар «зангори кема»лар учун кенг йўл очиб беришимиз, машиналарнинг тўхтовсиз, юксак унуш билан ишлашини таъминлашимиз керак. Машиналарнинг яхши ишлаши учун эса дефолляцияни тез ва сифатли тўтатишимиз, далаларини теримга намунали тайёрлашимиз лозим.

Жойлардаги партия, совет, касба союз ва комсомол органларининг ходимлари, қолхозларнинг раислари ва совхоз директорлари меҳнатини яхши ташкил этишлари, социалистик мусобақани кенг қўлоб ёйдиришлари, мусобақа натижаларини пахтакорларга маълум қилиб туришлари, илгорилик рағбатлантиришлари, меҳнаткашлар учун қўлай маданий-маиший шароит яратиб беришлари талаб этилади. Даллада ишлаётганларга таълим бўлайлик, уларнинг иш шароитини, ҳол-аҳволдан, соғлигини ҳар доим ҳабар олиб турилайлик.

Пахта йиғим-терим — ҳосил кўтариш масъумигина бўлиб қолмай, муҳим шайин, иқтисодий қамқалиш ҳамдир. Шунинг учун юртимизда ўн бор, билангада қуввати бор ҳар бир киши бунга ўз ҳиссасини қўйиши керак.

Бу йил ўзгача йил. Улуғвор етти йилдининг сўнгги йили. Она-Ватанимиз ўзбек дийридан қўл пахта, аёло сифатли пахта кутади. Ҳар биримиз таппабус кўрсатиб ишлайлик, йиғим-терим ишларини муваффақиятли тамомлаш, жонажон партиямизга, халқимизга ғалаба рапорти бериш учун бутун куч ва ғайратимизни сарфлайлик.

«Офарин, ўзбек пахтакорлари!» дейиладиган кунини яқинлаштириш учун курашайлик. Ҳосил тақдирин ҳар биримизнинг қўлимизда, ишчимизда. Мард майдода синалади, дейди халқимиз. Пахтазор — мардлар майдои. Азиз ўртоқлар, ҳар биримизни пахтазор чорламоқда! Ҳамма пахта теримига!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

180 (3152). | Сешанба, 14 сентябрь 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети умумдават манфаатларини чуқур англаб етган, ўзларининг интернационал бурчларига солиқликларини кўп марта кўрсатган республикамиз меҳнаткашлари юксак уюшқоқлик намунасини кўрсатадилар, ҳосил йиғим-теримини тезроқ тугаллаш ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун курашга бутун кучларини, бутун ғайратларини сарфлайдилар. Улуғ Октябр социалистик революциясининг 48 йиллигини муносиб кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республиканинг барча меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаати-дан).



ХИРМОНГА БАРАКА

Шатаратхон Қурбонова одатдагидек бугун ҳам далага барвақт чиқди. Ҳавонинг салқинидан фойдаланиб, тезроқ қарат қўйди. Ўзини-ўзини очилган «оқ олтин»ни тиймай терди. Эрталабни нонуштагача у аячагина пахта териб қўйди. Ҳисобласа, нонуштага қадар кунлик нормасини бажарай деб қўйибди. Табелчи Шатаратхоннинг терган пахтасини тарозига қўйди. 50 килограмм, чакки эмас. У этагини бўшатар экан, табелчинга қараб мийғида қўлиб қўйди.

Ўртоқ Ш. Қурбонова маъсумда ўн тонна пахта териб бе-

риш мажбуриятини олиб, касбдошларини социалистик мусобақага чақирган. У ўз сўзининг устидан чиқини учун зўр ғайрат кўрсатиб ишламоқда. Шу сабабдан кундалик нормасини 2,5—3 баравардан адо этмоқда.

Раҳима Абулбакирова ва Буойша Тўрақуловларнинг бугунги ҳурсандчиликлари ҳам чексиз. Улар чаман-чаман очилган пахтакорларни кўриб бугун кечадан ҳам кўпроқ пахта термасак, армонда қоламиз, деб бир-бирларига дадда беради. Бу икки чевар теримчи илгориликдан қолганини меҳнат қилишлари. Кундан-кунга суръатта-суръат

Терим илгорилари



Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг республикамиз барча меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаати Янгиёулдаги «Интернационал» қолхозини аъзоларининг ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Улар теримни анда-жадаллаштириб Мурожаатга амалий иш билан жавоб бериш мажбуриятини олмоқдалар. Жуда кўп теримчилар суръатта-суръат қўшиб пахтани тез ва тоза термоқдалар. Суратда: 1. (Чадан) Раҳима Абулбакирова, Буойша Тўрақулова ўртоқлар. 2. Чевар теримчи Шатаратхон Қурбонова терган пахтани табелчи қабул қилиб олмоқда.

А. Абалин фотоси.

БИРМА ИТТИФОҚИ РЕВОЛЮЦИОН КЕНГАШИ РАИСИ ГЕНЕРАЛ НЕ

ВИННИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА КЕЛИШИЧ МҲОСАБАТИ БИЛАН

БИРМА ҲОЗИРГИ КУНДА

Бирма Иттифоқи Революцион кенгашининг раиси генерал Не Вин расмий визит билан Совет Иттифоқига келади. Не Виннинг ҳаёти ва фаолияти Бирма халқининг империялизмга қарши курашида актив қатнашди. Не Вин Бирманинг илғий қаҳрамони Аун Саннинг жанговар сафдоши бўлиб, у билан бирга қарор бўлишларини тузди ва уларни мустамлакачиларга қарши курашга тайёрлади. Не Вин штаб бошлиғи ва Аун Саннинг ўринбосари сифатида Қўйи Бирмада япон босқинчиларга қарши олиб борилган қарор операцияларга раҳбарлик қилди.

Бирма 70 йилдан кўпроқ вақт Англиянинг мустамлакаси бўлиб турди. Англиянинг бешта энг йirik компанияси мамлакатнинг деярлик бутун хўжалигини ўз қўлида сақлади.

Бирма халқларининг узоқ йиллар мобайнида олиб борган қарар мононо кураш ғалаба билан тугалланди. 1948 йил 4 январда янги суверен давлат — Бирма Иттифоқи тузилганлиги эълон қилинди. Аммо, буржуазия ва помещиклар ҳукумати ҳокимият тепасига чиқиб олган эди.

Ишчилар ва деҳқонларга эмас, балки майда буржуазия ва интеллигенциянинг талайгина қисми ҳам мамлакатнинг шу тариқа ривожла-

нишига қарши чиқдилар. Халқ қаҳр-ғазабининг ўсиши натижасида 1962 йил 2 мартта ўтар кечаси давлат тўнариши ясалди ва генерал Не Вин бошчилигидаги Революцион кенгаш ҳокимият тепасига келди.

Бирманинг янги раҳбарлари мамлакатни батамом қайтадан қуриш программасини ишлаб чиқдилар ва амалда оширишмоқдалар. Бирмада қисқа вақт ичда ажнбайларнинг барча мол-мулки национализация қилинди, маҳаллий капиталнинг фаолияти анча чекланди.

Бирма қишлоқларидаги бошқа текисхўрлар — сўхўрларнинг ҳуқуқий ҳақи ҳам чек қўйилди.

Меҳнаткашларнинг турмушини яхшилаш учун кўп иш қилинмоқда. Асосий эътибор қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган.

Бирма саноатидаги ишчилар ва хизматчилар ишлаб чиқаришга жалб этилмоқда. Бирмада 1964 йил 1 майда «Меҳнаткашларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисида қону» қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда ташкил этилган Бирма социалистик программаси партияси Бирма халқининг


етакчисидир. Партия Бирмада киши киши томонидан эксплуатация қилинмайдиган ва ирқий камситиш бўлмайдиган жамиятни барпо этишнинг ўз олдига вазифа қилиб қўяди.



Бирма Иттифоқи революцион кенгашининг раиси генерал Не Вин.

Ўрта Чирчиқ райониди «Коммунизм» қолхозининг азамат меҳнаткорлари Мурожаатга жавобан салкам минг гектар ердаги ҳосилни машинада териб беришга аҳд қилдилар. Ҳозир 25 дан ортиқ «зангори кема» тўхтовсиз ишлаб турибди. Ушбу суръатда «зангори кема»ларнинг пахтазорда ишлаши тасвирланган. Пешқадам меҳнаткашларнинг ўртоқ Бекалов Соатов ҳар бир минутдан унушли фойдаланиб, машинанинг яхши ишлашини таъминлаётти.

А. Абалин фотоси.



315 минг тонна пахта

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТҲРИСИДА 13 СЕНТЯБРГАЧА БҲЛГАН МАЪЛУМОТ (Пахта нисбатан процент ҳисобида: биринчи устуи — районлар; иккинчи устуи — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устуи — масъум бошидан буён; тўртинчи устуи — гўза дефолляцияси)

Оржоникиде	3.65	28.35	25.3
Юқори Чирчиқ	2.69	15.64	54.0
Ўрта Чирчиқ	2.39	12.31	85.8
Калнин	2.39	12.29	43.0
Бўка	1.66	10.53	79.7
Янгиёул	1.37	8.14	65.0
Оққўрғон	1.51	6.51	84.0
Бекобод	0.97	6.13	43.1

Область бўйича: 1.80 10.31 70.9

13 сентябрда республикамиз областларида қуйидагича пахта тайёрланди (планга нисбатан процент ҳисобида): Қашқадарё — 34.37; Бухоро — 26.03; Фарғона — 17.81; Сурхондарё — 17.14; Андижон — 13.74; Самарқанд — 8.40; Қорақалпоғистон АССР — 5.86; Хоразм — 5.66; Сирдарё — 2.41.

13 сентябрда гўза баргини дефолляция қилиш қуйидагича бўлди (топиришқа нисбатан процент ҳисобида): Сирдарё — 47.81; Қорақалпоғистон АССР — 45.24; Қашқадарё — 38.39; Сурхондарё — 37.65; Хоразм — 28.64; Фарғона — 27.94; Самарқанд — 21.41; Бухоро — 21.23; Андижон — 15.71.

А. Абалин фотоси.

